

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
НЕМИС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

МАНСУРОВ КОМОЛДИН ХУСНИДДИН ЎҒЛИ

**“Лексик сатҳдаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар ва
уларни немис тили дарсларида қўллаш масалалари ”**

**5111400 - Хорижий тиллар ва адабиёти (немис тили) таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар доц. Қ.НАЗАРОВ

АНДИЖОН – 2016

МУНДАРИЖА

I. Кириш.....3-8

II БОБ. Парадигматика ва синтагматика хақида умумий

тушунчалари9-49

2.1. турли мавхумлик даражасидаги парадигматик муносабатлар;

Нуперониміе Нупониміе.

2.2. Мавхумлик ярусидаги маънолар муносабати. Синонимия.

2.3. Синонимларнинг таснифи.

2.4. Синонимларнинг манбаълари ва уларнинг дистрибуция тахлили.

2.5. Синонимларнинг лексикологик тадқиқотлари.

2.6. Антонимлар. Антонимларнинг таснифи.

2.7. Лексик - семантик парадигмалар.

2.8. Семантик майдон. Синтактик майдон.

III БОБ. Лексикадаги синтагматик муносабатлар. Синтагматик

тушунчалар.....49-59

3.1 Синтагматик ва парадигматик муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги.

3.2 Валентлик тушунчаси ва унинг турлича талқини.

3.3. Олмон тили феълларнинг валентлик ва дистрибуцияси луғати

IV. ХУЛОСА.....57-59

V. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....59 - 63

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳозирги замон тараккиёти босқичида хорижий тилини мукамал билишга булган эҳтиёж тобора долзарблашиб бормокда. Бундай ижтимоий эҳтиёжни кондириш борасида мустақил Ўзбекистон Республикамизда қатор табирлар, назарий ва амалий ишлар амалга оширилмокда.

«Таълим тугрисидаги қонун» ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни 1997 йил 29 августда қабул қилиниши, таълим тизимимизга янги ўзгаришларга олиб келди ва барча таълим тизимиз ҳозирги кунда тубдан ислох қилинмокда. Бу иккала ҳужжат мамлакатимизда таълим – тарбияни ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан тортиб, билим олиш ва педагогик фаолияти билан шугулланишнинг ҳуқуқлари ҳамда таълим тизимини бошқариш масалалари ёритиб берилди.¹

Республикаимизнинг асосий ривожлантириш тамойилларидан бири бу “Барқамол авлодни” тўлақонли қилиб тарбиялаш деган эди мухтарам президентимиз И.А.Қаримов ўзининг “Барқамол авлод орзуси” асарида . Қелажагимизнинг ривожланиши ва такомилли ёш авлодга ва уларнинг таълим тарбиясига боғлиқдир. 2

Мамлакатимиз йилдан – йилга дунё мамлакатлари ҳамжихатликда н турли соҳаларда халқаро алоқаларни кучайтириб бормокда. Умумтаълим мактаблари, академик лиёей, касб – ҳунар коллежларини битирувчилари ва олий таълим талабалари олдига ҳозирги кунда хорижий тилларни мукамал урганишни катта вазифа қилиб қуймокда.

2012 йил 10 - декабрда Президентимизнинг “Хорижий тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарорда таъкидланганидек, 2013 йилнинг 1- майгача бўлган муддатда умумтаълим мактабларининг биринчи синфдан бошлаб

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”; 1997 йил 29-август. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 1997. -17-б. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тугрисида”ги қонуни. 1997 йил. 29-август. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами.

² Қаримов И.А. Барқамол авлод орзуси. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000. -246 б.

хорижий тиллар таълимини ўзлуксиз жорий этилишини, шунингдек таълимнинг барча босқичларида унинг доимийлигини назарда тутувчи умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб хунар ва олий ўқув юрларининг ўқув режалари ва дастурлари тасдиқланишини таъминлаши таъкидлаб ўтилган.³ «Тилшуносликдаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар (лексик сатх мисолида)» номли БМИ мавзуси ҳам хорижий тил, яъни олмон тилига ўргатиш ва ўрганишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ушбу битирув малакавий ишни долзарблигини куйидагича изохлади: Парадигматик ва синтагматик муносабатлар лексикология фанининг асосий тушунчаларидан ҳисобланиб, тилшуносликдаги тил ва нутқ масалалари билан узвий боғлиқдир.⁴ Нутқнинг эмоционаллик ва экспрессивлик масаласи тилдаги мавжуд парадигматик воситалар билан ифодаланади ва улар нутқда, яъни синтагматикада ўз аксини топади. Демак, парадигматика ва синтагматикадаги лексик-грамматик ва лексик стилистик масалалар бир томондан тилнинг, иккинчи томондан нутқнинг бирлиги ҳисобланади. Шунингдек хорижий тилга ўқитишда бу воситаларнинг аҳамияти айниқса оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантиришда ва нутқдаги ишлатилаётган эмоционал экспрессив тил бирликлари системали ўрганишда долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мавзунинг илмий янгилиги. Тадқиқ қилинаётган мавзу систем тилшунослик асосида ўрганилмоқда ва парадигматик ҳамда синтагматик муносабатларнинг тилдаги ва нутқдаги тадқиқоти биринчи бор амалга оширилмоқда. Шунингдек ушбу парадигматик ва синтагматик муносабатларни олмон тилига ўқитишдаги масалалри, яъни коммуникатив нутқни шакллантиришдаги аҳамияти тадқиқ қилинмоқда.

³ «Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» Халқ сўзи газетаси.2012. 10 - декабрь.

⁴ Умархўжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси, Андижон 2010. 25 б.

Мавзунинг назарий ва амалий ахамияти, ишланганлик даражаси.

Парадигматик ва синтагматик муносабатларни лексик қатлам асосида системали ўрганиш назарий ва амали ахамиятга эгадир. Бу тадқиқотнинг назарий ахамияти шундан иборатки, лексик қатлам тилнинг бошқа қатламлари каби иерархияни ташил қилади ва уларни систем тилшунослик асосида ўрганиш тилнинг ягона ситема эканлигини исботлайди. Бир тилдаги турли шаклларда берилётган лексик-грамматик ва лексик стилистик воситаларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантиришдаги ахамияти каттадир. Айниқса хорижий тилдаги синонимик, антонимик ва полисемантик муносабатларни дарс жараёнида тахлил қилиб бориш тилни мукамал ўрганишда катта ёрдам беради, чунки мулоқатни тўлақонли чиқишдаги асосий масала мазмун ҳисобланса, мазмунни тўлақонли шакллантириш парадигматик ва синтагматик муносабатларга боғлиқдир.

Мавзунинг ишланганлик даражаси: Ушбу мавзу лексикологик тадқиқотларнинг масалаларидан ҳисобланиб, қатор тилшунослар томонидан⁵ маълум даражада ўрганилгандир. БМИ да биз ушбу масалани систем тилшунослик асосида муаллифларнинг илмий қарашларини қиёслаш асосида ўрганиб чиқдик. Шунингдек ушбу мавзунинг натижаларини олмон тилига ўқитишдаги ва коммуникатив нутқни шакллантиришдаги ахамияти биринчи бор ўрганилмоқда.

Мавзунинг тадқиқ қилишдан мақсад қуйидагиларни ўз ичига олади. Олмон тилидаги парадигматик ва синтагматик муносабатларни лексик қатлам асосида тахлил қилиш ва уларни олмон тилини ўрганишдаги ахамиятини систем тилшунослик нуқтаи назардан ўрганишдан иборатдир.

Мавзунинг тадқиқ қилиш учун белгиланган вазифалар. Лексик қатламдаги парадигматик муносабатларни ўрганиш ва бу муносабатлани олмон тилини ўқитишдаги ахамиятини тушунтириш;

⁵ Адабиётлар рўйхатига қаранг.: Умархўжаев М.И., Чернышева И.И. Олшанский И.Г. Ризел Э.Г. тадқиқотлари.

Лексик қатламдаги синтагматик муносабатлардан хисобланган валентлик, дистрибуция масалаларини ёритиш ва уни олмон тилини ўқитишдаги ахамиятини тушунтириш ;

Мавзуни тадқиқ қилишда ишлатилган материаллар ва тадқиқот методлари. Ушбу мавзуни тадқиқ қилиш учун олмон тилидаги мавжуд синонимик, антонимик ва изохла лўғатлардан шунингдек феълларнинг валентлиги ва дистрибуцияси лўғатларидан фойдаландик.

Мавзуни тадқиқ қилиш учун тилшунослик ва таржимашуносликдаги кўйидаги методлардан фойдаландик:

- 1.матнларни таҳлил қилишдаги трансформация метод;
- 2.айрим суз ва ибораларни лугавий маъносини таҳлил қилишда компонент таҳлил методидан фойдаландик;
- 3.лексик ва стилистик воситаларни лингводидактикдаги таржима қилиш методидан фойдаландик.

Мавзуни амалиётда синаб кўрилганлиги. БМИ бажриш учун кўплаб назарий ва амалий материаллар тупланди. Айниқса лексемалар ва лексик бирикмаларнинг синонимик ва антонимик муносабатларини, шунингдек сўз ва иборалардаги полисемантик муносабатларни Андижон шаҳридаги 14 - ўрта умумтаълим мактабидаги амалиёт даврида олмон тили дарсларида ва дарслардан ташқари кружок ва тадбирларда куллашга муваффақ булдим. Тўпланган барча материалларни хорижий тиллар факультетининг лексикология ва стилистика маърузаларида ва амалий дарсларида ҳам фойдаланса бўлади.

Тадқиқотнинг объекти ва презмети. Олмон тилидаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар тил ва нутқ асосида бадий матнларда ва турли лўғатлардаги талқини ўрганилди ва уларнинг олмон тилига ўқитишдаги ахамияти юзасидан тавсиялар берилди.

Ишнинг методологик асоси. Призидентимиз асарларидаги кўрсатмалар, Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим

тўғрисидаги қонун ва хорижий тилларни ўқитиш намунавий ўқув дастуридаги меъёрий қонун қоидалар малакавий ишнинг методологик асосини ташкил этади.

Ишнинг таркибий қисми. Ушбу малакавий иш 5 бўлимдан иборат бўлиб, улар кириш, 2 та асосий қисм, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганганлик даражаси, амалиётда синалганлиги, қўлланилган методлар, ишнинг объекти, унинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

БМИ асосий қисм, икки бўлимдан иборат бўлиб, унда олмон тилидаги парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг тилдаги ва нутқдаги хусусиятлари лексик - грамматик ва лексик - стилистик нуқтаи назардан ўрганилган, шунингдек уларнинг олмон тилига ўқитишдаги хусусиятлари таҳлил қилинган. Ишнинг хулоса қисмида таҳлил натижалари кўрилган ва фикрлар умумлаштирилган ва умумий хулосалар қилинган.

Фойдаланилган асосий ва қўшимча адабиётлар, интернет манзиллари ишнинг охириги бўлимида келтирилди

І БОБ. ПАРАДИГМАТИКА ВА СИНТАГМАТИКА ХАҚИДА

УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Турли мавхумлик даражасидаги парадигматик муносабатлар

Тил системасидаги лексик қатламни гуруҳларга ажратишда лексемалар, семемалар орасида парадигматик муносабатлар мавжуддир. Маълумки, ялпи система бутун бир системанинг ёки тил бирликлари таркибидаги парадигматик муносабатларни тақозо этади. Парадигматик муносабатлар гапни ўрнини боса оладиган тил бирликлари ҳисобланиб, улар ўзаро бир бирини тўлдириши мумкин: Масалан, Ich sehe einen Tisch/Schrank/ Mann/ Baum.

Парадигматика бу парадигматик муносабатлар мажмуаси ҳисобланиб, у тилнинг турли бирликлари орасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Unter Paradigmatik versteht man folglich die Gesamtheit der paradigmatischen Beziehungen der Elemente einer Sprache.⁶ Парадигматик муносабатларга қуйидаги лексикологик категориялар киради: Полисемия, Синонимия, Антонимия, Омонимия ва семантик майдон в.б.

Сўз ва сўз бирикмаларида, гап ва матнда (эга кесим муносабатлари), яъни нутқда тил бирликлари актуаллашади, синтагматик муносабатлар ўзаро боғланадилар, бу муносабатлар мажмуаси ситагматика дейилади. Zwischen Wörtern in der Wortgruppe, im Kontext (z.B. zwischen Subjekt und Prädikat), d.h. bei der Aktualisierung der Sprachelemente in der Rede, knüpfen sich syntagmatische Beziehungen an; ihre Gesamtheit heißt Syntagmatik. (Olschanskiy I.G. 2005. S.51)

Тилдаги парадигматик ва синтагматик муносабатларни биринчи бўлиб Ф.де Соссюр томонидан тақлиф қилинган. Вертикал (парадигматик) ва горизонтал (синтагматик) муносабатларни жадвал сифатида қуйидагича талқин қилинади:

⁶ I.G. Olschanski, Lexikologie der deutschen Sprache. M. 2005, S. 51

→ Suntagmatik

↓

Paradigmatik

Der Mann/ die Frau liest ein Buch/ eine Zeitung

Die Frau/ der Mann schreibt einen Brief/ ein Buch

Der Junge/ der Vater malt ein Bild/ eine Landschaft.

Парадигматик муносабатлар сўз туркумлари ва лексемалар орасида
мавжуддир.

1.2. Мавхумлик ярусидаги маънолар муносабати.

Hyperonymie Hyponymie.

Луғат таркибидаги парадигматик муносабатлар лексемалар ва семемаларни турли мавхумлик даражасига эга эканлигини кўрсатади.

Юқори ва қуйи (die Überordnung - Unterordnung) муносабатларда мантикий боғланиш мавжуддир. Тилнинг бу қатламида асосий тушунча жинс (уруғ) билдирувчи бир қанча ҳодисалар ва тушунчаларнинг умумий белгиларини (Oberbegriff- Gattungsbegriff) иккиламчи тушунча жинс билдирувчи ва тур билдирувчи тушунчалар (Unterbegriff-Artbegriff) ни ўз ичига олади. Ҳодисалар ва тушунчаларнинг умумий белгиларини ўз ичига олган сўзлар Hyperonym лардир Масалан, Blume – Unterbegriffe – Hyponyme -Rose, Nelke, Veilchen u.a. Бу тушунча бир томондан турни ифодаласа, иккитчи томондан шу турга кирувчи барча тушунчаларни ўз ичига олади. (Vgl. Schippan, 1984, 214; 202, 204). Луғатлардаги изоҳларда умумий тушунчага ва бу хил гул турларнинг бошқа гуллардан фарқларини изоҳлайди. R. Klappenbach, W. Steinitz томонида нашр қилинган Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache да гуллар турларини қуйидагича изоҳлайдилар:

Nelke f – im Garten gezogene oder wildwachsende, in vielen Arten verbreitete Blume

mit krautigem Stock, meist weißen, rosen oder roten Blüten.

Tulpe f – Liliengewächse mit aufrechten, endständigen, keichförmigen, bes. roten Blüten, dass als Zierpflanze gezogen wird.

Veilchen f – kleine, wild oder im Garten wachsende Pflanze mit gespornten, meist dunkelvioletten, stark duftenden Blüten.

Рус тилидаги “Матрёшка” сўзи ҳақидаги тушунчаларни таркибини қуйидаги иерархик шаклда ифодалаш мумкин:

Lebewesen.....Hyperonym 1.
Tier.....}
Haustier}
Vieh.....}Hyperonyme/Hyponyme

Rind.....}

Kuh.....}

Сўз ушбу жадвалда канчалик пастда жойлашган бўлса, унинг маъно кўлами шунчалик тор бўлади, сўз семемаларнинг кўлами кенг бўлса у маънога бой бўлади. Маъно ва тушунчалар кўлами бир бирига пропорционал шаклдаги муносабатда бўлади.

Турли белгиларига кўра лексема бир неча Hyperonyme га жойлашган бўлади:

Hyperonyme Huftier Haustier Arbeitstier

Hyponym P F E R D

Hyperonym га жойлашган лексемалар Kohhyponyme дейилади:

Obst -----Apfel, Birnen, Kirschen, Pflaumen,..... : Möbel- Tisch, Stuhl, Bett, Schrank, Sessel usw.

Тана аъзолари номлари тематик гурухига кирувчи Arm, Bein, Kopf, Herz..... лексемалари тушунча-----тур (Hyperonyme/Hyponyme) шаклида муносабатда бўлса, у бошқача шаклда Körper -----Körperteil, яъни Ganzes-Teil Verhältniss, бутунни қисимга бўлган муносабатини кузатиш мумкин.

Бундай гурухларнинг лексемаларини даражага қараб жойлаштириш мумкин:

Baum	Busch	Pflanze
Stamm	-	Stengel, Stiel
Ast	Ast	-
Zweig	Zweig	Zweig
Blatt, Nadel	Blatt	Blatt
Wurzel	Blüte	Blüte, Dolde

Қуйидаги холларда умумий белгиларни ўз ичига олган лексемалар жамоага тегишли (Kollektivum) маъно кўламани ифодалайди ва бир бутун қисимларни ташкил қилади: Herde--- Kuh, Kalb,; Wald--- Baum Gesträuch. Бу ерда Gruppenkollektiva (Familie, Herde, Klasse, Schülerinnen, Schüler, Lerschenschaft, Lehrerinnen, Lehrer) ва Genuskollektiva (bei Tieren z.B. Wild)-

бирлик бу ерда бир гурух индивидларни эмас балким бутун синфга тегишли предметларни ифодалайди (Vgl. Schippan, 2002, 206).

1.3. Синонимларнинг таснифи.

Лексемалар ўзига хос системага эга бўлиб, аюимо бир-бири билан турли муносабатга бўладилар ва улар системани ташкил қиладилар. Ана шундай системалашган муносабатлардан бири лексемаларнинг маъно парафигмасияир. Барча тиллар луғат таркибининг маъно муносабатларига кўра парафигма турлари мавжуддир. Улар синонимлар, антонимлар, омонимлар, полисемантик сўзлар ва семантик оиладош сўзларни ўз ичига олади.

Лексик синонимлар товуш томонидан турлича бўлган, аммо бир хил ёки ўхшаш маънога эга бўлган лексемалардир. Анъанага кўра синонимлар ономасиологик, яъни маъносига қараб, маъноси бир хил ёки ўхшаш, маънодош семемалар шаклида ўрганилади. Семасиологик нуқтаи назардан қаралганда синонимлар бир маънони турли шаклларда, яъни турли тил белгилари билан ифодалайди (vgl. Krahl, Kurz, 1970,124).

Синонимия атамаси грек тилидан олинган бўлиб, *synonymos – gleichnamig* – бир хил номлаш маъносига эга ва биринчи бор 1794 йили илмий мақолада ишлатилган. *Synonymie ist paradigmatische Beziehung von Bedeutungsgleichheit oder Bedeutungsähnlichkeit, die zwischen Synonymen besteht.* (Olschanskiy, 2005, 54.)

Синонимлар турли шаклдаги сўзлар бўлса ҳам, улар ифодаляётган тушунчалар бир хил ёки ёқин бўлади, яъни бир неча сўзларнинг ўзаро маъно муносабатидан иборат бўлади.

Синонимлар бир маънони ифодаласа ҳам синонимик қатордаги сўзлар маъносида албатта тушунчавий, коннотатив ва стилистик фарқлар мавжуддир. Шунга қарамасдан баъзи - бир олимлар синоним сўзлар ҳар қандай контекста тўла алмаштирилиши мумкин деб фикр юритадилар. Масалан С.Уллманн бир маъно ва ҳиссиятни ифодаловчи «тоза синонимлар» (*reine Synonyme*)ни фарқлайди.

Теа Шиппан синонимларга куйидагича таъриф беради: “*Synonyme sind Wörter, die zu gleicher Zeit in ein- demselben sprachlichen System dieselbe*

Bedeutung haben. Sie unterscheiden sich durch konnotative Seme, sekundäre begriffliche Merkmale und stilistische Markierung, besitzen gleiche potentielle Valenz: Verehlichung – Eheschließung – Vermählung; Restaurant – Gastwirtschaft – Gasthaus – Kneipe”

Демак, ушбу тил бирликлари мунтазам бир системани ташкил этаѐи. Улар бир хил денотатни ифодаласаларда, ушбу денотат ижтимоий, идеологик ѐки эмоѐионал хусусиѐтлари томонидан ажратиѐ ифодаланади. Ушбу нуқтаи назардан олганда синонимларнинг бирликларни эѐфемистик кўллаш натижалари билан боғлиқлиги сезилади. Масалан, sterben – entschlafen – zur Ruhe gehen; Hausmдdchen – Haushilfe – Hausangestellte.

Л.Шевелѐва шунѐай ѐзаѐи: “Synonyme sind also der Lautgestalt nach verschiedene Wѐrter, die in der Bedeutung mindestens ein zusammenfallendes Seme enthalten, wodurch ein zusammenfallendes Merkmal desselben Denotats abgesondert wird. In manchen Kontexten kѐnnen synonymische Wѐrter einander ersetzen, ohne die Bedeutung des Satzes (des Textes) wesentlich zu verѐndern”.⁷

Баъзи сўзлар кўп маънога ѐга. Ҳар бир маънонинг ўзига хос алоҳида синонимик қатори мавжуд. Масалан, Mann сўзи уч маънога ѐга бўлиб, учала маъно ҳам ўз иерархик структурасига ѐга.

Mann < männlicher Mensch > - 1
< Ehemann > - 2
< Mensch > - 3

Биринчи маъно синонимлари: Herr – лекин барча контекстларѐа ҳам уларни эркин алмаштириб бўлмайдди, чунки Herr сўзининг ўзи ҳам бир қанча маъноларга ѐга.

Иккинчи маъно синонимлари: Gatte, Ehemann, Gemahl.

Учинчи маъно синонимлари: Mensch – Leute.

Тил врусига кўра ва тилни система шаклида қараш асосида синонимларни қуйдаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

⁷ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.107

- a) Лексик синонимлар, яъни бирхил ёки ўхшаш маънога эга бўлган лексемалар, уларни матнда алмаштириш мумкин;
- b) Морфологик синонимлар (morphologische Varianten) сўзларнинг шакллари алмаштириб ишлатиш мумкин: des Bauern/ Bauers, des Brots/ Brotes.
- c) Синтактик синонимлар, яъни алмаштириб ишлатилиши мумкин бўлган синтактик структуралар: Müllers Sohn/ der Sohn von Müller/ der Sohn des Müller, Futur- Präsens - Er wird morgen kommen, er kommt morgen.

Стилистика ва матн тилшунослиги фанида эса контекстуал синонимларни фарқлаш мумкин. Бу гуруҳга кирувчи синонимлар шундай сўзлар ва сўз бирикмалардирки, матн ичидаги шахсга тегишли бўлган турли лексемалардир, масалан, Goethe- der Dichter/ der Autor des „Faust“/ der Dichterst. Қисқа ёрққа оид матнда тематик оиладош сўзлар синоним шаклда ишлатилиши мумкин: Elefant- Rüsseltier/ Dickhäuter бу сўзларни алмаштириб ишлатиш мумкин.

Синонимларни анъанавий таснифи академик В.В.Виноградов томонидан амалга оширилган бўлиб, у синонимларни vollständige ва unvollständige шакллари фарқлаган. Vollständige sind selten, da die Sprache, wie oben gezeigt, nach eventueller Differenzierung von Inhalt und Form strebt. Бу гуруҳга қуйидаги шаклдаги синонимлар қирадаи: totale, absolute, reine, echte. Масалан, Beifall- Applaus, Medikament- Arzneimittel, beginnen- anfangen, obgleich- obschon, Sprachwissenschaft- Linguistik. Лекин охириги тилшуносликни ифодаловчи атамани алмаштириб бўлмайди, уларни қуйидаги атамалар билан ишлатиш мумкин allgemeine Sprachwissenschaft - generative, kontrastive, kognitive Linguistik.

Бундан ташқари синонимик қатор ҳам мавжудки, бундан бир маънони ифодаловчи бирликлар синонимик гуруҳ ташкил қилади. Масалан, Deutsch unterrichten – Deutsch geben – Deutsch erteilen – Deutsch bringen – Deutsch lehren; komisch – lächerlich – lachhaft – spaßhaft; humoristisch – humorvoll – kurios – passierlich – lächerlich.

Херберт Гёрнер ва Гюнтер Кемпкелар томонидан 1999 йили чоп этилган “Wörterbuch. Synonyme” луғатида ҳозирги замон олмон тилида кўлланиб келинаётган синоним сўзларнинг луғатшунослик нуқтаи назаридан янгича, тўлиқ намуналари берилган.⁸

Замонавий лингвистикада синонимлар парадигматик ва синтагматик нуқтаи назардан тасниф қилинади (Умархўжаев М.Э. 2008, 34).

Парадигматик-синтагматик синонимлар (paradigmatisch-syntagmatische Synonyme, echte Synonyme). Буларга абсолют синонимлар (Auto-Kraftwagen) ҳамда семантик синонимлар (tapfer-furchtlos) киради. Бундай синонимлар тил системасида жуда озчиликни ташкил этади ва аксарият терминларга хосдир. Парадигматик синонимлар турига семантикаси кучайтирилган стилистик синонимлар, масалан, groß – riesig – kolossal, эмоционал жилоси кучайтирилган синонимлар Gesicht – Fratze – Visage кабилар мансубдир.

2. Синтагматик синонимлар (syntagmatische Synonyme) фақат баъзи контекстларда кўринади. Улар ҳақиқий синонимлар эмас. Масалан, Goethe – Dichter – Verfasser.

Синонимларнинг анъанавий таснифи куйидагичадир (Traditionelle Klassifikation der Synonyme)

Идеографик синонимлар (ideographische Synonyme). Булар бир хил денотатив маънога эга бўлган сўз ва иборалар бўлиб, лекин маъно бўёғи, нутқда ишлатилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Lohn (иқтисодий термин) – Lohn der Arbeiter – Lohn der Angestellten – Honorar (Lohn der Künstler) – Sold (Lohn der Soldaten).

Стилистик синонимлар (stilistische Synonyme). Бундай синонимлар ўз стилистик жилоси, функционал услублари билан бир-биридан фарқланади. М., Gesicht-Antlitz-Fratze-Visage; sich verheiraten – sich vermehlen – ein Weib heimführen – sich beweiben.

⁸ H. Gurner, G. Kempcke. Wörterbuch. Synonyme. München, 1999

Ёки олмон тилидаги Pferd сўзининг маънолари доирасини кўриб чиқайлик.

Pferd, das: 1. (Haustier) Ross (süddt österr schweiz); Gaul (landsch, auch abwert.); Möhre, Klepper, Schinder, Schindmöhre (abwert); Rosinante (scherzh.); Hotto, Hotthü (kindersp.) қ Krippensetzer-Krippenbeiser-Arbeitspferd-Reitpferd-Rennpferd-Schimmel-Rappe-Fuchs-Falbe-Schecke-Pony. ||dicht. Ross|| umg. Kracke (landsch abwert); auch Fohlen. 2. zu Pferde sitzen - reiten; wie ein Pferd arbeiten, anstrengen, schuften; die (jungen) Pferde scheu machen – verwirren; aufs falsche Pferde setzen – irren; jmdm. gehen die Pferde durch – Beherrschung.

Лекин синонимларни контекстаа хоҳлаганча алмаштириб бўлмаслиги ҳақиқа машҳур олмон лексикологи Фридрих Дорнзайф ҳазиломуз шундай ёзган эди: “Ein unfähiger Botschafter kommt zu seinem Vorgesetzten zurück. Der Botschafter entschuldigt sich: Ja, die deutsche Sprache ist so schwer, immer bedeuten zwei Wörter das Gleiche: speisen und essen, springen und hupfen, schlagen und hauen, senden und schicken. Darauf sagte der Chef: Das stimmt nicht mit. Eine Volksmenge kann speisen, aber nicht essen, eine Tasse springt, aber hüpf nicht. Die Uhr kann schlagen, aber nicht hauen, und Sie sind ein Gesandter, aber kein Geschickter”.⁹

3. Территориал дублетлар (лаҳжалар) (Territoriale Dubletten). Олмон тилининг қўлланилиш кўлами, географик тарқалиши тарихан анча кенг. Германия ва Австрия мамлакатлари давлат тилларининг шаклланиш жараёни ҳам ўзига хослиги сабабли бу икки мамлакат ва Германия жанубидаги ҳудудларда олмон тилининг территориал дублетлари юзага келган. Масалан, Sonnabend олмон адабий тили варианты бўлса, жанубий Германия ва Австрияда Samstag сўзи ишлатилади. Шу каби Mädchen, Apfelsine, Wange, Mütze шимолий олмон тилида – Mädels, Orange, Backe, Karre жанубий олмон тили шеваларида ишлатилади.

⁹ Dornseif F. Der deutsche Wortschatz synonymisch geordnet. Berlin-Leipzig, 1933, S.12

1.4. Синонимларнинг манбаълари ва уларнинг дистрибуция

тахлили

Лексик қатлам бойлиги сифатида ранг баранг синонимлар тилнинг номинатив, когнитив ва коммуникатив имкониятларини бойитади. Синонимлар ички ва ташқи сабабларга кўра, шунингдек манабаъсига кўра тавсифланади.

Синонимларнинг ички ривожланиш факторларига сўз яшаш ва семантик деривация (Bedeutungswandel) масалалари киради. Синонимлар ижтимоий жамиятдаги янгиликларни, кириб келаётган инновацияларни, ўзгараётган тасавурларни ҳам аниқ ифодалаши керак. Масалан, Raumpflegerin, Reinigungskraft statt Putzfrau; Seniorenheim für Altersheim. Синонимлар қуйидаги сўз яшаш йўллари орқали ясалади: Ableitung, Abkürzung oder bei der Kombination verschiedener Wortbildungsprozesse: Bildnis- Bild; Ertragnis- Ertrag; Lauferei- Gelaufe; Lastkraftwagen- Laster, m LKW. Синонимлар тўлиқ сўзлар ва қисқартирилган сўзлар ҳам бўлиши мумкин: Bahn- Straßenbahn - Eisenbahn; Karte für Ansichts-, Einladungs-, Speise-, Fahr-, Eintritts-, Visiten-, Spiel-, Landkarte.¹⁰ Семантик деривация асосида эски сўзларнинг янги маънолари бошқа тиллардан ўзлашган маънолар асосида юзага келиши мумкин: Ebene (aus dem englischen)- syn. zu: Stand- Niveau; realisieren (aus dem englischen)- Syn. zu: begreifen, erfassen, sich klar werden; weltweit- in der ganzen Welt, global;

Семантик деривациянинг бир тури хисобланган стилистик синонимлар метафорик маъно кўчиши асосида юзага келади: Birne, Rьbe, Kьrbis (=Kopf); Gurke, Kartoffel, Knolle (=Nase) сўзлари кўпол маънода ишлатиладиган итсонлар тана аъзоларидир. Esel, Hammel, Kamel für Dummkopf; Flosse, Pfote, Tatze sind Synonym für „Hand“.

Матнларда синонимларнинг қўлланиши турли функцияларни бажариши мумкин.

¹⁰ GroЯes Wцrterbuch der deutschen Sprache . Herg. Unter Leitung Drosdovski- Berlin –Mьnchen 2010-

1. Синонимлар ёрдамида матнларда кўпинча кераксиз такрорлашларни олди олиниши мумкин, агар предмет бир денотатни тасвирлаётган бўлса. Масалан бир матнда Löwenzahn момақаймоқ ўсимлиги қуйидаги синонимлар билан алмаштириб ишлатилиши мумкин Pustelblume, Kuhblume, Milchstengel ва бу синонимлар ҳар сафар алмаштирилиб ишлатилганда бу гулни турли хусусиётларини намоёиш қилади.
2. Синонимларни танлашда сўзловчи зарурий, керакли сўзлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, Bindung - Verbindung; Beziehung –Verhältnis; Verbindung Bindung сўзига нисбатан қатъийроқ ва мустақамроқ маъносига эга. Beziehung –Verhältnis сўзлари орасида ҳам ишлатилиш кўлами турличадир (ein enges intimes V.); Verhältnisse dagegen bedeuten Lage, Situation, Sachverhalt.
3. Синонимлар қиёсловчи функсияни ҳам бажариши мумкин, агар улар бирор предметни сифатловчи хусусиётини тасвирлаш зарур бўлса. Масалан, Bestimmt wird es in dieser Situation (im Nahen Osten) Widersprüche, Kollisionen, Konflikte geben.
4. Синонимлар изохловчи, аниқловчи вазифаларни ҳам бажариши мумкин. Синонимлар ёрдамида чет тилидан кириб келган сўз ёки атама илмий матнда ёки газеталарда изохаланиши мумкин. Масалан, Pädagoge-Erzieher, Lehrer; Fantasie – Einbildungskraft.
5. Синонимлар эмоционал экспрессив функсияни ҳам бажариши, улар шахсни предметга бўлган муносабатини ифодалаш, предметга салбий ёки ижобий баҳо бериши мумкин. Bei der Wiederaufnahme im Text können „Buch“ durch „Schwarte“ oder „Schmücker“, „Fehler“ durch „Schnitzer“ oder „Ausrutscher“, „sich unterhalten“ durch „plaudern“, „schwätzen“, oder „schwafeln“ ersetzt werden.
6. Синонимларнинг доимий манбаъларидан бири эфемистик иборалар хисобланиб, улар қуйидагилардир: dick (von einer Frau) – korpulent, vollschlank, mollig, rundlich. Es bestehen umfangreiche Synonymgruppen für den Begriff „stehlen“, „sterben“, für Bezeichnungen der menschlichen Körperteile.

1.5. Синонимларнинг лексикологик тадқиқотлари

Синонимларнинг икки хил луғатлари мавжуддир. 1. Биринчиси бир хил маънога эга хорижий тилни ўрганишда кўп қўллаш мумкин бўлган сўзларни ўз ичига олади. Иккинчиси эса синонимик сўзларни матндан олинган гаплар асосида изохлашга ҳаракат қилинган луғатдир.

Биринчи тур луғатга “Sag es treffender” von A.M. Textor (Essen 1978) луғати киради ва бу луғатда 20 000 сўз мавжуд бўлиб, кундалик истемолда ишлатилган иборалар ҳам берилган ва бу луғат турли касб мутассисларга мўлжалланган.

2. Der Große Duden. Vergleichendes Synonymwörterbuch. Bd.8. Mannheim 1964. Бу луғат иккинчи тур луғатларига мансуб бўлиб унда 80 000 ўқин сўзлар изохлаш орқали синонимик ва стилистик хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Лейпцигда нашр қилинган „Synonymwörterbuch. Sinnverwandte Ausdrücke der deutschen Sprache“ (Leipzig 1978) луғат иккала турдаги сўз ва ибораларни ўз ичига олган ва изохлашга ҳаракат қилинган.

„Das deutsch- russische Synonymwörterbuch“ I.V.Rachmanov (Moskau 1983) луғатида 2680 та синонимик гуруҳлар берилган бўлиб улар рус тилига таржима қилинган. Луғатдаги синонимик қаторлар семантик ва стилистик жиҳатдан изоҳланган. Бадиий адабиётлардан олинган матнлар асосида синонимлар изоҳланган.

Хулоса қилиб айтганда олмон тили бошқа тиллар каби синонимларга бой. Синонимлар нутқни ранг-баранг жилолантириш, фикр ва ҳиссиётнинг нозик томонларини ифодалашда катта аҳамиятга эга.

Синонимик муносабат сўзлардагина эмас, фразеологик брикмаларда ҳам мавжуд. Лекин фразеологик синонимлар нутқ кўринишларига хосланганлиги жиҳатдан у қадар кўп ва ранг-баранг эмас, улар асосан сўзлашув нутқида ва қисман бошқа нутқ кўринишларига хос.

Масалан : (олдинги қатор иборалар умумнутққа хос кейингилари сўзлашув нутқида хос иборалар ; урарнинг чегараси тире билан ажратилган) : kein Wort

sagen “лом-мим” демаслик; kein Blatt vor dem Mund nehmen -чурқ этмаслик ; der Kopf raucht мийяси ғовлаб кетди- калласи ғовлаб кетди ; Schlechte Laune haben - таъби хира –schlechte Stimmung haben- таби номозшом ; ums Leben kommen - дунёдан ўтмоқ- in - die reine Welt gehen жон бермоқ.

Кузатилган мақсаднинг ҳар хиллиги—мақсаднинг йўналишига қараб, сўзлашув стилида дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов гапларнинг қисқа ва ихчам кўринишлари, тўлиқсиз формалари жуда кенг қўлланади. Айниқса, сўроқ гаплар кўп ишлатилади.

Соф сўроқ гаплар таажжуб, шубҳа, гумон сингари турли-туман оттенкаларга эга бўлади. Бундай сўроқ гаплар таркибида сўроқни билдирган сўзлар қўлланмайди, сўроқ гап интонацияси орқали ифодаланилади.

Масалан: -Ihre Unterlagen bitte?-Хужжатингиз? (хужжатингиз қани ?) Wie ist Ihr Name ?-исмингиз (исмингиз нима ?). Шунингдек, сўзлашув стилида ундов гаплар ҳам кўп ишлатилади.

Морфологик система миллий тилнинг барча нутқ стиллари учун вгона ва умумий бўлади. Морфологик соҳасида сўзлашув стилининг ўзига хос хусусияти жуда оз даражада сезилади. Нутқ стилларининг морфологик жиҳатдан фарқи, асосан, у ёки бу морфологик элементларни ортиқ ёки кам ишлатилишидагина кўринади. Чунки, холат оти ясовчи -ei, -erei, -heit, -schaft, -чилик, -гарчилик мураккаб аффикси сўзлашув стили учун характерли бўлган отлар ясайди.

Масалан:(қавсдан ташқарида берилган отлар сўзлашув нутқида хос, қавснинг ичида берилганлари шу отнинг адабий тилдаги формаси): Trauererei hafagarchilik (hafalik), Schlaueit - muttaxamgarchlik (muttaxamlik), Kuriererei tabibgarchilik, tabibchilik (tabiblik), Partnerschaft-sherikchilik (sheriklik), Oberflдhigkeit-yuzakichilik (yuzakilik),Religiosheit- dinchilik (dindorlik), Schmeihelei tilyog’lamachilik (tilyog’lamalik).

Сўзлашув стилининг ўзига хос хусусиятлари феълнинг бази формаларининг ишлатилишида ҳам кўринади. Адабий тили грамматикасига оид адабиётларда феълнинг -и(б) эди формаси оғзаки хутқда -увди -овди

тарзида талаффуз этилади, деб кўрсатилади. Талаффуздаги бу ҳолат тўлиқсиз феълнинг бу формасини оғзаки нутққа ҳос қилиб қўвди.

Масалан: Эгардан ирғитиб юборишларига сал-пал қолувди. Шахардан келишимда йўлни қисқартириш учун қир орқали юриб ... шу йўлдан келувдим. -р эди формасида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин. Сўзлашув стилига ҳос бу фўрмадан бадий асарларда жонли тилни акс эттирувчи ўринларда, асар қахрамонлари нутқида кенг фойдаланилади. Булардан ташқари феъл фўрмалари қўлланиш доираси жихатидан ҳам бирор стилга ҳосланган бўлади.

Масалан: бўл кўмакчи фелининг -ган аффикси билан ясалган сифатдошларга қўшилиб келиши туфайли ҳосил бўлган: er hat einwenig gegessen-овқатдан бироз еган бўлди, er hat paar Worte gesagt- бир-икки оғиз гапирган бўлди, er hat hin und zurьck geschaut- у ёқ-бу ёқни кўрган бўлди кабилардир.

Актив ва пассив луғат саставига оид сўзларнинг синтактик - стилистик – ҳусусиётлари . Лексика муттасил ўсиш ва ривожланишда бўлиб, унда доим янги сўзлар пайдо бўлади, тилдаги мавжуд сўзларнинг баъзилари аста секи эскириб боради. Эскилик оттенкасига эга бўлган сўзлар тилда бирмунча вақтга қадар ишлатилади. Шунга кўра умумхалқ тили луғат бойлигини стилистик жихатдан икки катта группага ажратиш мумкин:

Aktiver und passiver Wortschatz - а к т и в с ў з л а р ва пассив сўзлар

Актив сўзлар группасига маъноси шу тилда гаплашувчи барча кишиларга тушунарли ва кундалик турмушда қўлланиши одат бўлиб қолган сўзлар киради. Бу группадаги сўзлар эскилик бўёғига эга бўлмайди.

Пассив сўзлар группасига эскилик бўёғи аниқ билиниб турадиган ва кўпчиликка маълум бўлмаган сўзлар киради. Бу группадаги сўзлар кундалик алоқада камроқ ишлатилади.

Пассив сўзлар икки группага ажратилади: Arhaismen und Historismen- э с к и р и б қ о л г а н с ў з л а р (архаизмлар, историзмлар) ва Neologismen - й н г и с ў з л а р (неологизмлар).

Архаизм ва историзмларнинг стилистик вазифаси. Тилнинг хозирги даври учун эскилик бўёғига эга бўлган сўзлар архаизм ёки архаик сўзлар деб юритилади. Сўз маъносининг эскириши ва турли сабабларга кўра унинг ўрнини бошқа сўз олиши натижасида архаизм пайдо бўлади.

Масалан: Pionier - кашшоф (пионер), Partei - фирқа (партиё), Gefdnngnis -- авахта (қамокхона), каби сўзлар бугунги кун нуқтаи назаридан эскирган сўзлар бўлиб, уларнинг ўрнини янги сўзлар эгаллаган.

Архаиклашиш ходисасининг кўринишлари: сўз бутун ҳолда, вҳлитлигича архаиклашади. Бу лексик архаизм дейилади: Himmel- гардун (осмон), газниқоб (противогаз); сўзнинг маъноларидан бири архаиклашади. Бу семантик архаизм дейилади. Масалан: Орден нишон сўзининг “орден” маъноси архаиклашган, у Zeichen-belgi, Symbol- alomat, Spur- iz, Werk-asar маъноларида кенг қўлланилади (Zeichen stellen- nishon qo’ymoq, ins schwarze treffen - нишонга олмақ, von ihm ist kein Spur erhalten- ундан ҳеч нишон қолмади). Шунингдек ғанимат сўзининг “қўлга киритилган нарса, ўлжа” маънолари архаиклашган, у bequem -“қулай, besser- тузик, gut- вҳшҳи” каби маъноларида актив ишлатилади. яна: Bezirk- даха сўзининг “ein Teil der Stadt -шаҳарнинг бир қисми” маъноси архаиклашган, бу сўз “Seidengraupen - ипак қурти ёки” касб-хунар лексикасида қўлланилади.(Die Raupen sind in die letzte Periode zum Fressen- Қуртлар сўнгги дахага кирдилар).

Тилнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларини тарифлашда тил бирликларидаги функöионал-стилистик бўёқ муҳим белги сифатида асосга олиниши зарур. Экспрессив -стилистик бўёқ эса асосан, сўзларнинг ўзаро семантик муносабати туфайли содир бўлади. Буни айниқса, бир синонимик қатордаги сўзларни таққослаганда вққол кўриш мумкин. Масалан: жилмаймоқ, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, иршаймоқ каби бир синонимик қатордаги сўзлар ўз стилистик бўёғига кўра фарқлидир. Жилмаймоқ, ва илжаймоқ сўзлари стилистик бўёқ жихатидан нейтрал ҳисобланади. Иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршамоқ сўзлари салбий

оттенкага эга. Бу салбий оттенка иржаймоқ сўзига нисбатан тиржаймоқ сўзида, тиржаймоқ сўзига нисбатан ишшаймоқ сўзида, ишшаймоқ сўзига нисбаян иршаймоқ сўзида кучлироқ.

Баъзан Вкка ҳолда олинган сўз ва грамматик қурилиш стилистик бўёғининг қайси стилга мансублигини аниқлаш ҳам қийин бўлди. Сўз ва грамматик қурилишнинг стилистик бўёғ фақат малум нутқ текстида бошқа элементлар билан бўлган муносабат ва боғланишда шакилланади. Бундай стилистик бўёқ нутқ ситуаёбиясида реаллашади. Масалан: Fuchs- тулки сўзи ёввойи ҳайвонларнинг бир турига нисбатан ишлатилса, стилистикбўёғи нейтрал бўлади; одамга қарата listig - “кув, айёр “ маъносида қўлланса, бу сўз муайян стилистик бўёқ касб этади.

Адабий тилнинг стилистик системаси жаргон, маҳаллий диалект ва шунинг каби тилдаги бошқа ходисалар билан ҳам маълум муносабата бўлади.

Масалан; умумҳалқ тилига жаргонлар кўпинча, оддий сўзлашув стили орқали кириб келади. Бадиий нутқ стилида эса баъзи персонажларнинг тилини индивидуаллаштириш учун улардан қисман фойдаланилади.

Нутқ стили системасини ташкил қилувчи элементларининг баъзилари бошқа бир стил таркибида ҳам учраши мумкин. Лекин бу элементлар таркибий қисмларнинг йиқиндиси айни бир стилга мансублигини кўрсатади. Масалан: илмий терминлар расимй, публисистик ва сўзлашув каби турли стилларда ишлатилиш мумкин, лекин уларнинг стилистик жихатдан бир хил бўлган лексик, гамматик ва фонетик ходисалар билан боқғланиб, бир бутун стилни хосил қилиши фақат илмий стил таркибидагина рўёбга чиқади. Демак, ҳар бир нутқ стили ўзининг барча элементлари билан Вгона ва алоҳида мақсад учун бўйсунган муайян тил воситалари қомплексига эга. Шунга кўра, нутқ стили – ифода воситаларининг мақсадга мувофиқ уюшган системасидан иборат дейиш мумкин. Нутқ стиллари тил тараққиётининг маълум даврида аста-секин шакилланади ва ўзгаришларга учрайди.

Нутқ стиллари ўзига хос белги ва фарқлардан қатъи назар, адабий тил нормалари асосида умумийлика эга. Адабий норма тилнинг товуш системасини, грамматик қурилиши ҳамда унинг луқғат составидаги энг типик хаётий ва зарурий элементларни танлаб олиш асосида ташкил топади. У тилнинг энг юксак, ишланган, силлиқлашган формасидир. Адабий нормалар фақат ёзма адабий тил учунгина таалуқли бўлмай, у оқғзаки, адабий тил учун ҳам зарурий ҳолатдир. Шунинг учун адабий тилнинг оқғзаки формада (маъруза ва хабарлар, радио ва телевидинидаги чиқишлар, жонли суҳбатлар) ҳам адабий нормага бўйсунилади, унинг қонун қоидаларига риоя қилинади. Функџионал стиллар нутқ кўринишларининг асосий функџиоларига мувофик қисмларга бўлинишидир. Шунга кўра адабий тилнинг қуйидаги функџионал стиллари ажратилади: 1) сўзлашув стили, 2) расмий стил, 3) илмий стил, 4) публисистик стил 5) бадий стил.

Тилнинг бу функџионал стиллари инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасига мос келувчи умумхалқ адабий тилининг турли хил кўринишларидир. Функџионал стилларни номлаш ва аташ ҳам уларнинг қандай алоқа доирасида ишлатилганлигига қараб белгиланади. Чунки бир хил нарса ва ходисалар ҳақидаги фикрлар турли хил стилларда бир хил баён қилинмайди. Сўзлашув стили икки асосий турга ажратилади: адабий сўзлашув стили ва оддий сўзлашув стили.

1.6. Антонимлар. Антонимларнинг уч хил таснифи

Antonyme sind Wörter (Sememen) mit gegensätzlicher Bedeutung, anders gesagt GegenWörter, GegensatzWörter oder Wörter des Gegensinnes.¹¹(Olschanski, 2005, 63) Антоним атамаси грек тилидан бўлиб, қарама қарши номлар (Gegennamen) маъносига эга.

Антонимлар предметлар, воқеа ва ҳодисаларни ифодалайди ва улар борлиқдаги шундай қарама қаршилик категорияларни акс эттиради. Уларни жуфт ҳолда учратамиз, чунки улар мантикий, когнитив категория сифатида қарама қарши маъно асосида юзага келган бўлади. Антонимлар бир семемага эгадирлар, улар айрим маъно компонентларининг ўхшашлиги учун бири бирига мос келади, аммо инкор маънога эга эканлиги билан фарқланадилар. Масалан gesund-krank (nicht gesund); verheiratet- ledig (nicht verheiratet); Айрим ҳолларда ула префикслар ёки суффикслар орқали ифодаланади. dankbar- undankbar; Erfolg- Misserfolg; gefallen-missfallen; fehlerhaft- fehlerlos usw.

Антонимлар қарама - қарши маъно муносабатларни ифодалагани учун синонимларга қараганда камроқ қўлланилади. Агар объектив борлиқда қарама - қаршилик мавжуд бўлмаган ҳолатларда антонимлар бўлмаслиги мумкин: Mööbel- Tisch, Bett; Gebäude- Haus, Kino; Gerätenamen- Hammer, Schere; Kollektiva- Gebirge, Herde .

Антонимлар тилдаги бир хил сўз туркумларига киради. Антонимларнинг когнитив асоси уларни маълум тушунчаларнинг сифатини, хусусиётини ва белгисини мавжудлигини ифодалайди. Шу сабабли антонимлар сифатлардан ва равишлардан ясалган отлар ва сифатларни хусусиётларини ифодалади. kalt - warm Kälte- Wärme; rechts-links, geben - nehmen . Антонимлар нафақат икки жуфт сўзни ҳосил қилади балким семантик гуруҳларни ҳам ташкил қилади: Масалан, kalt-lau-warm- heiß. От сўз туркуми ҳам жуфт антонимик гуруҳни ҳосил қилиши мумкин. Anfang-Ende; Leben- Tod; Vater- Mutter; Tag – Nacht.

¹¹ I.G. Olschanski, Lexikologie der deutschen Sprache. M. 2005, S. 63

Антонимларни таснифлаш учун хар - хил асос мавжудки, уларнинг луғавий ва ясама, кўчма маъноларини ҳам билишни тақозо қилади.

1.ein dickes – dünnes Buch; 2. dickes- dünnes Haar.

I. Антонимлар ўзининг қарама - қарши маъно кўламига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1.totale Antonyme, бундай антонимларнинг ҳамма семемалари зидлик маъносига эгадир: ewig- zeitlich . Тилда шундай моносемантик (zeitlich) ёки сўз яшаш орқали ясалган лексемалар мавжуд (möglich-unmöglich; zweifelhaft-zweifellos).

2. partielle Antonyme, кўп маъноли, полисемантик сўзларда фақат бир ёки ундан ортиқ маънолар антонимик муносабатда бўладилар: 1.trockener Sommer (-es Kleid, -e Farbe); 2. trockener Vortrag- (Mensch)- lebendig, lebhaft (Rede).

Кўп маъноли сўзларда хар хил семемалар учун турли хил антонимлар мавжуд.

finster (Farbe) – hell, licht

finster (Gesicht) – heiter, freundlich

finster (Ruf) – sauber, redlich

finster (Aussichten) – günstig, hell

II. Мантиқий зидлик маъносининг турига кўра антонимларни уч турини фарқлаш мумкин (s. J.Lyons, L.A. Novikov).

1.Kontradiktorische Antonyme қарама қарши тушунчалар мантиқий инкор асосида ясалади: Sein – Nichtsein. Бундай антонимлар зид тушунчаларни ўз таркибида мужассамлаштиради (Erscheinungen, Zustände, Eigenschaften) Armut – Reichtum; Liebe – Hass; jeder- keiner; schön-hässlich; heiß- kalt; jung – alt; groß-klein; hell- dunkel u.a.

2.Komplementäre Antonyme бу гуруҳга кирувчи антонимлар юқоридаги антонимлардан фарқи, улардаги инкор лексик бирликни тасдиқ маъносини ифодалайди: männlich- weiblich; Mädchen- Junge; ledig- verheiratet; lebendig-tot; Fremdsprache- Muttersprache.

3. Konträre Antonyme (geben-nehmen; kaufen – verkaufen; gewinnen- verlieren; fragen- antworten; reden- schweigen; kommen- gehen) sind zwei Artbegriffe innerhalb eines Bewertungs- oder Bezugssystems. Бу тушунчалар турли нуктаи назардаги бир хил ситуаѳивларнини акс эттиради. Аммо бу хил антонимлар бир бирини тўлдирадилар, аммо иккала тушунча хам ижобий маънони ифодалайди. Maximum – Minimum; Frage – Antwort; Бу хил антонимларда конверсивлик (Konversitdt) муносабатлари мавжуддир. Конверсив иборалар бир бирини тўлдиради ва зидлик маъносини билдиради: Der Lehrer gibt dem Schüler ein Buch – der Schüler erhält vom Lehrer ein Buch; Ein kleiner Elefant ist ein großes Tier.

Синонимлар билан қиёсланганда антонимлар кўп эмас, чунки улар тушунчаларнинг предметларнинг аслий хусусиѳтлари билан боғлиқ бўладилар. Шунинг учун хам антонимлар от, сифат ва феъл сўз туркумларидан ясалади: arm-reich; Armut- Reichtum; Verarmung-Bereicherung; verarmen- reich werden.

Биз яшаётган аунё муъжизаларга тўла. Ана шундай муъжизалардан бири ақл бовар қилмайаган аражада аоимий қарама-қаршилиқ мавжуа̀лигиа̀ир. Ҳар бир предмет ёки ҳоа̀исанинг антипоа̀лари мавжуа̀ки, бу албатта тилларда ўз аксини топиши турган гап. Масалан, Tag und Nacht, alt und jung, reich und arm, groß und klein ва б. Тил бирликларининг ўзаро зия маъноларни англатишига кўра гуруҳлашиши ҳоа̀исаси антонимиѳ а̀ейилаа̀и. (Умархўжаев М.Э. 2009,)

Антонимлар келиб чиқишига кўра икки гуруҳга ажратилаа̀и.

Аввалдан зия маънога эга бўлган антонимлар. Буларнинг сони кўп бўлиб, асосан от ва сифатларга ҳоса̀ир. Масалан, Wahrheit – Lüge, Leben – Tod, Friden – Krieg, Liebe – Haß, Morgen – Abend, Freund – Feind, trocken – naß, tapfer – feige, hart – weich, fleißig – faul, satt – hungrig, gesund – krank, schwarz – weiß.

Сўз маъноси ўзгариши натижасида пайдо бўлган антонимлар. Масалан, gut – schlecht, teuer – billig, reich – arm.

янги сўзлар ясалиши орқали ҳам антонимлар пайдо бўлади. Олмон тилида аффиксация орқали сўз яшаш асносида қатор антонимлар юзага келади. Масалан, zumachen – aufmachen, zunehmen – abnehmen, aufdecken – zudecken, einpacken – auspacken, einschaffen – ausschaffen ва бошқалар. Зия маънони ифодаловчи ent-, un-, miß каби префикслар воситасида ҳам антонимлар пайдо бўлади. Масалан, Glück – Unglück, Geduld – Ungeduld, lieb – unlieb, decken – entdecken, Achtung – Mißachtung, trauen – mißtrauen.

